

2022 йил 2-чорак давомида Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларидан келиб тушган электр энергияси хусусидаги мурожаатларнинг умумлаштирилган таҳлили.

2022 йилнинг 2-чорак давомига қадар Бухоро вилояти аҳолиси томонидан “Бухоро ҳудудий электр тармоқлари” АЖга жами **1651** та мурожаатлар келиб тушган. Энг кўп мурожаатлар Коракўл туман **108** та, Шоғиркон туман **85** та, Бухоро шаҳар **75**, Фиждувон туман **67** мурожаатлар келиб тушган. Мурожаатлар сони ўтган йилга нисбатан камайган бўлсада, Чеклов ва таъминотдаги узилишлар бўйича (**33%**), таъминотни яхшилаш (**21%**), Янги тармоқ куриш, тармоқни ва ТПларни янгилаш ва кўчириш (**35%**), Электр хисоблагич ўрнатиш ва хисоб – китоб тўлов бўйича (**5%**), билан боғлик масалалар кескин ошган.

Жамият ходимлари ва ШЭТК ходимлари фаолияти юзасидан ходимларнинг хатти харакатидан норозилик шикоятлар хам (**7%**)га ошиб **28** тани ташкил этган. Бунда Бухоро туман (**5** та), Бухоро шаҳар (**3** та), Жондор туман (**3** та), Когон туман (**5** та), Олот туман (**5** та), Пешку туман (**1** та), Ромитан туман (**1** та), Шоғиркон туман (**3** та), Коракўл туман (**1** та), Фиждувон туман (**1** та), туман/шаҳар ЭТК ходимлари юзасидан шикоятлар сони юкорилиги маълум қилинди.

Ахолининг мурожаатлари ўз ечимини топмаганлиги сабабли қайта-қайта мурожаат қилиш холатлари **35** тани ташкил қилмоқда мазкур масалага жиддий эътибор қаратилмаётганлиги билдирилди. Келгусида такорий мурожаатларга янада жиддий эътибор қаратган тарзда масалаларни тезкорлик билан кўриб чиқиб, қонуний хал этиш лозимлиги таъқидлаб ўтилган.

Шу билан бирга, мурожаатларнинг белгиланган муддатлари бузилиш холатлари мавжуд бўлиб, мазкур масалада Олот туман ЭТК томонидан камчиликка йўл қўйилганлиги билдираман. **Баландмачит МФЙ 10-ўйда яшовчи Қодирова Клара Сафаровнанинг** 2022 йил 23 апрель куни Баландмачит махалласидаги электр сим яғочларини алмаштириб берилишида ва трансформатор кўйиб берилишида амалий ёрдам сўраб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали йўллаган мурожаати **344065/22**-рақами билан қайд қилиниб, ижросини таъминлаш учун туман электр таъминоти корхонасига йўналтирилган.

Ушбу мурожаатлар туман электр таъминоти корхонаси томонидан 15 кунлик муддатда ҳал этилмасдан, узоқ муддатли назоратга олинган мурожаат юзасидан хукукий тушунтиришлар берилиб белгиланган муддатдан кечикириб ёпилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича кўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5048-сонли қарорида бажариш бўйича Бухоро вилоятида жами **28** та мурожаат белгиланга режа дастури асосида ваъда бериб келинганлиги жумладан Олот туман ЭТК (**6** та), Вобкент туман ЭТК (**2** та), Фиждуон туман ЭТК (**3** та), Жондор туман ЭТК (**1** та), Шоғиркон туман ЭТК (**4** та), Когон туман ЭТК (**1** та), Бухоро шаҳар ЭТК (**1** та), Қоракўл туман ЭТК (**10** та), мурожаатларни ташкил қилмоқда.

Ушбу мурожаатларнинг таҳлили бўйича Бухоро вилояти аҳолиси томонидан “Бухоро ҳудудий электр тармоқлари” АЖга жами **623** та мурожаатлар келиб тушган

Шунингдек, жамиятга тўғридан – тўғри жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларидан **5** та, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ишонч телефони орқали **15** та, вилоят ҳокимлиги орқали фуқаролардан **6** та, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ орқали **8** та мурожаат ҳамда жамият раҳбариятининг жойлардаги сайёр қабулларида **19** та мурожаатлар келиб тушган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ҳамда Халқ қабулхоналари орқали жамиятга келиб тушган **570** та мурожаатларнинг туманлар кесимида таҳлилий маълумотлари куйидагича:

- **Бухоро шаҳар** – **75** та
- **Бухоро тумани** – **26** та
- **Вобкент тумани** – **23** та
- **Жондор тумани** – **39** та
- **Когон тумани** – **55** та
- **Олот тумани** – **58** та
- **Пешку тумани** – **63** та
- **Ромитан тумани** – **22** та
- **Шоғиркон тумани** – **85** та
- **Қоракўл тумани** – **108** та
- **Қоровулбозор тумани** – **2** та
- **Фиждуон тумани** – **67** та
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига электр энергияси таъминоти билан боғлиқ масалалар келиб тушган мурожаатлар асосан, электр энергиясидаги чеклаш, таъминотни яхшилаш, узилиш, ходимнинг ҳатти-ҳаракатлари ва бошқа масаларга оид. Хусусан:
 - Чеклов ва таъминотдаги узилишлар масаласи бўйича – **150** та;
 - Таъминотни яхшилаш бўйича – **46** та;
 - Янги тармоқ қуриш, тармоқни ва ТПларни янгилаш ва кўчириш масалалари бўйича – **372** та;
 - Электр ҳисоблагич ўрнатиш ва ҳисоб – китоб тўлови масалалари бўйича – **19** та;

- Ходим харакатидан норозилиги – **28 та**;
- Бошқа масалалар бўйича (ишга жойлашиш, моддий ёрдам ва б.) – **8 та** мурожаатлар.

Мурожаатлар билан ишлаш бўлими бошлиги

 **Б.Мухаммадиев**

Мурожаатлар билан ишлаш бўлими бошлиги
Бошқа масалалар бўйича (ишга жойлашиш, моддий ёрдам ва б.)

Мурожаат	Номи	Тарих	Ишга жойлашиш	Моддий ёрдам	Ишга жойлашиш	Моддий ёрдам
1. Мурожаат № 1	Б.Мухаммадиев	2021.01.10	Да	Да	Да	Да
2. Мурожаат № 2	Б.Мухаммадиев	2021.01.10	Да	Да	Да	Да
3. Мурожаат № 3	Б.Мухаммадиев	2021.01.10	Да	Да	Да	Да
4. Мурожаат № 4	Б.Мухаммадиев	2021.01.10	Да	Да	Да	Да
5. Мурожаат № 5	Б.Мухаммадиев	2021.01.10	Да	Да	Да	Да
6. Мурожаат № 6	Б.Мухаммадиев	2021.01.10	Да	Да	Да	Да
7. Мурожаат № 7	Б.Мухаммадиев	2021.01.10	Да	Да	Да	Да
8. Мурожаат № 8	Б.Мухаммадиев	2021.01.10	Да	Да	Да	Да